

Турли ошхона ва кафеларда сотиладиган таомларнинг ҳалоллиги

21:40 / 27.04.2016 4089

САВОЛ: Мен ўқийман ва ишлайман, шунинг учун кўчада овқатланишга тўғри келади. Турли ошхона ва кафеларда сотиладиган таомларнинг ҳалол ёки йўқлигини қандай билишим мумкин?

ЖАВОБ: Албатта мўмин мусулмон одам ўзи танаввул қиладиган озуқанинг ҳалол пок бўлишига этибор бериши, бунинг учун ҳаракат қилиши мақлуҳдир, фарздир, вожибдир. Бу энг катта исломий хусусиятлардан бири бўлади. Чунки ҳаром нарсалар кишининг соғлигига, табиатига ва яна кўпгина нарсаларга ката зарар етказадиган нарсадир. Шунинг учун ҳар бир инсон таомни тановвул қилишдан олдин ҳалолми яъни фойдалими ёки ҳаромми яъни зарарлими эканлигини аниқлаб олиш керак. Савол берган тингловчимизни демак, ҳолатларида кўчадаги турли ошхона, кафеларда овқатланишга тўғри келадиган бўлса, албатта ўша ердаги таом тайёрловчи шахслардан мана шу масканларнинг масъул кишиларидан таомни қандай тайёрланиши, нимадан тайёрланиши, ҳалолми ёки ҳалол эмаслигини сўраш керак. Шунингдек, бунақа умумий овқатланиш масканларидан ташқарида ҳам таомни қай ҳолда эканлигида маълумот бўлмаса албатта ўша ердаги бу нарсани ҳақиқатини билладиган кишилардан сўраб суриштириб фақат ҳалол нарсани тановвул қилишга ўтиш керак. Аллоҳ таоло барчаларимизни жумладан ўшбу саволнинг сохиби бўлган тингловчимизни ҳам доим ҳалол пок юришга ва ҳалол пок нарсдан озуқаланишга насиб этган бўлсин. Аллоҳ таоло мана шу айтиб ўтилган гапларни жавобларни тўғрилигини таъминлаган бўлсин ва ҳаммамизни мана шу нарсаларга амал қилиб боришлигимизни насиб этган бўлсин.